Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 16-NOYABR ■ SESHANBA ■ 136 (27.311) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ижтимоий адолат тарафдори. Буни биз партиямиз дастурида ёзиб қўйганмиз. Жамиятдаги ушбу ўта мураккаб масалаларни ҳал этишга тўсиқ бўлган барча кучларга биз сиёсий мухолифмиз**



**Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**



## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ

### ИШ УНУМИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

Наманган шаҳар марказида «Муслимтекс» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Ўтган икки ойлик вақт оралиғида қўшма корхонада тайёрланаётган полипропилен қопларга қўшни вилоятлардан ташқари Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларидан ҳам буюртмалар келиб тушди.

Кунига 25 минг донадан эҳтиёжбоп маҳсулот тайёрлаётган корхонада келгуси ойдан кунлик кўрсаткични 50 минг донага етказиш чоралари кўриб қўйилди. Дастлабки кунларда қўшма корхона ишчиларининг умумий сони 150 кишини ташкил қилган бўлса, бугунга келиб улар сафига яна 60 нафар киши қўшилди.

— Ишни икки сменада ташкил этганмиз, — дейди қўшма корхона директори Иброҳимжон Аминов. — Ишчиларга бепул тушлик, қатновчиларга транспорт ташкил этилган. Яқин келажакда жаҳон андозаларига тўла жавоб бера оладиган трикотаж маҳсулотлар ва ана шу маҳсулотлар учун керакли калава ип тайёрлашни ҳам йўлга қўямиз.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос талабларига эскирган технологиялари билан ҳар нечук чиранса ҳам жавоб беролмай бир муддат сокин тортиб қолган трикотаж фабрикаси Хитойдан келтирилган 382670 АҚШ доллар миқдоридаги янги замонавий дастгоҳлар қуввати билан яна файз топди.

Асосан Россия ва Туркманистондан келтирилаётган хомашё заҳирасини мустаҳкамлаб олишса қўшма корхона келгуси йилдан тўла қувват билан ишлайди. Йилига 12 миллион дона эҳтиёжбоп қоп ишлаб чиқарилади.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**




**Суратларда:** 1. Тўқув цехи устаси Нилуфар Исабоева тўқувчи Матлуба Солиева билан; 2. Тикув цехи сифат назоратчилари Мунаввар Зайниддинова, Саодат Ҳайдарова, Ойдина Холматова, Заҳрохон Раҳматуллаевалар; 3. Тайёр маҳсулот; 4. Тўқув цехида.



**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

## ҚУРУЛТОЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси IV қурултойи партиянинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қадамлар қўйди. Унда Сайловолди Платформа тасдиқланди, партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди ҳамда сайловгача бўлган даврдаги устувор вазифалар аниқланди. Анжуманда, шунингдек, сиёсий кучлар ичида ХДП ўзининг сўл қанот позициясида эканлигини барчага эълон қилди, ХДПнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқланди.

Қурултой ҳужжатларини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш партиянинг жорий ва истиқболдаги фаолияти учун катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб ХДП МК Котибияти «Ўзбекистон ХДП IV қурултойи материалларини ўрганиш ва тарғиб қилишни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда қурултой материаллари, айниқса, партиянинг Сайловолди Платформаси аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиниши лозимлиги алоҳида таъкидланди ҳамда партия ташкилотлари, шунингдек, партия матбуот органларига бу борада амалга оширилиши керак бўлган вазифалар белгилаб берилди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**




## ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ, ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ БУГУН БИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ

### Сайловлар ҳақида саволингиз борми?

**Агар матбуотга сиёсий партиялар томонидан материаллар тақдим этилса, таҳририят ходимлари уни таҳрир қилишлари табиий. Лекин бунинг оқибатида унинг тарғибий аҳамияти камайиши мумкин...**

***Аллисбой ИБОДУЛЛАЕВ,***
***ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши котиби.***

**Саволга МСК матбуот маркази раҳбари Шерзод ҚУДРАТХЎЖАЕВ жавоб беради.**

— Ҳавотирга ўрин йўқ. Чунки Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган махсус низомга асосан, таҳририятлар томонидан сайловолди ташвиқоти материалларини уларни тақдим қилган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг розилигисиз таҳрир қилиниши мумкин эмас.

## ҲИНД МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ҳиндистонда инглиз тилида нашр этиладиган «Political Events» («Сиёсий воқеалар») номли ҳафталик халқаро журналнинг сўнгги сонларидан бирида мазкур журнал сиёсий бўлими муҳаррири М.К.Дхарнинг «Ўзбекистон фундаментализм билан курашмоқда, демократияни ривожлантирмоқда» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Унда муаллифнинг мамлакатимизда демократик сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва икки палатали парламент фаолиятини йўлга қўйиш хусусидаги фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган.**

Халқаро масалаларни ёритувчи «Socialook international» журналининг шу йил октябрь ойи сони ҳам тўлалигича Ўзбекистонга бағишланди. Ушбу нашрнинг мамлакатимиз ҳақидаги махсус сони «Ўзбекистон Республикаси: парламент сайловлари арафасида» деган умумий сарлавҳа остида босилиб чиқди.

Журналнинг дастлабки саҳифаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда бугунги Ўзбекистон тўғрисидаги умумий маълумотлар ўрин олган. «Диққат марказида: Ўзбекистон парламенти ҳаёти» рукни остида эса Олий Мажлиснинг 15-сессияси, бўлажак сайловларда иштирок этадиган партиялар, Сенат биносининг қурилиши, сайловларда хорижий кузатувчиларнинг иштироки сингари мавзуларга оид қатор ахборотлар жамланган.

Маълумки, бўлажак муҳим сиёсий воқеа — сайловлар олдидан мамлакатимизнинг турли шаҳарларида қатор халқаро анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Уларда дунёнинг турли давлатларидан ташриф буюрган сиёсатшунос, олим ва тадқиқотчилар, жумладан, ҳиндистонлик мутахассислар иштирок этишаяпти. «Ҳиндистон САПРА жамғармаси» ижроия директори Индранил Банержи, Жавоҳарлал Неру университети профессори Нирмала Жоши ҳамда Ҳиндистон молия институти бизнес мактабининг директори, профессор Аман Агарваллар ана шундай халқаро тадбирлар ишида қатнашиб қайтдилар. Уларнинг Ўзбекистонда бўлиб ўтган семинар ва конференциялар хусусидаги таассуротлари ҳам ушбу журнал саҳифаларидан жой олган. «Ислом Каримов жаноби олийлари етакчилигида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал механизмларини барпо этиш, шунингдек, демократик институтлар ҳамда фуқаролик жамияти тизимларини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар эътиборга сазовордир», деб ёзади жумладан А.Агарвал.

Шунингдек, «Socialook international»нинг ушбу махсус сонида «Диққат марказида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар» рукни ҳам мавжуд. Мазкур мавзуга бағишланган саҳифаларда Ҳиндистон ташқи ишлар бўйича давлат вазирининг яқинда Ўзбекистонга қилган сафари, Ҳиндистон ва Ўзбекистон саноатчиларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ривожи ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар ва ўзаро ҳамкорликка оид бошқа ахборотлар ўз аксини топган.

**Шуҳрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА,**
*Деҳли.*

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва ўз номимдан самимий табрик ва қалб тилакларини изҳор этишдан бағоят мамнунман.

Ушбу саодатли айёмда қодир Аллоҳдан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик, бутун ислом умматига муваффақият, тинчлик ва қут-барака ато этишини сўраб қоламан.

Энг эзгу истак ва юксак эҳтиром ила,
Биродарингиз
**Фаҳд бин Абдулазиз Ас-САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Қутлуғ Рамазон ҳайити кунларида Сиз, Жаноби Олийларига сидқидилдан биродарона эзгу истакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этмоқда.

Ушбу қувончли айёмда Аллоҳ таолодан Сизга ва биродар Ўзбекистон халқига бундай саодатли онларни ривож ва муваффақиятлар ила такрор этиши ҳамда ислом умматига юксалиш ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,
Биродарингиз
**Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ас-САУД,**
**Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, Миллий гвардия қўмондони**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунлигимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқи ҳамда бутун мусулмон умматига доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Энг эзгу тилак ва юксак эҳтиром ила,
**Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,**
**Миср Араб Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу истакларимни изҳор этишдан бағоят бахтиёрман.

Аллоҳ азза ва жалладан Сизга сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига осойишталик ва равнақ, ислом умматига қут-барака ато этишини сўраб қоламан.

**Қобус бин САИД,**
**Уммон Султони**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Саодатли Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига Афғонистон халқининг энг самимий табрикларини изҳор этаман.

Юртингизга ушбу байрам хурсандчилик ва шодлик олиб келишига умид билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзимнинг оташин саломларимни йўллаб, Сизга сиҳат-саломатлик, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилаб қоламан.

**Ҳамид КАРЗАЙ,**
**Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати Президенти**

***Шунингдек, Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Мали Республикаси Президенти Амаду Тумани Туре, Ингушетия Президенти Мурат Магомедович Зязиков, Қувайт Давлати Валиаҳди шайх Саад Абдуллоҳ ас-Салим ас-Сабоҳ, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Вазирлар Маҳкамасининг иккинчи ўринбосари Султон бин Абдулазиз Ас-Сауд, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти Бош директори Жак Диуф ва бошқалардан табрик телеграммалари олинди.***

ФМТ-1

**«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси**

АБОНЕНТЛИК газета — 220 Нашр индекси

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

| | Обуна сони | |
|---|---|---|
| | | |

2005 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга ____ (почта индекси) ____ (манзилгоҳ)

Кимга ____ (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

✂ - - - - - - - - - - - - - - - -

ФМТ-1

| | |
|---|---|
| п.в. | Жойи |

Нашрга етказиш варақаси — 220 Нашр индекси

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | сўм | |

2005 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга ____ (почта индекси) ____ (манзилгоҳ)

Кимга ____

- **Мамлакатимизда ёши энг улуғ газета — бизнинг газета.**
- **Халқ манфаатлари, миллат манфаати учун кураш бош мақсади бўлган газета — бизнинг газета.**
- **Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини ҳимояловчи газета — бизнинг газета.**
- **Муаммоларни энг кўп, ошкора ёритадиган, инсон ҳақ-ҳуқуқларини изчил ҳимоя қилишга бел боғлаган газета — бизнинг газета.**
- **Бу газета Ўзбекистонимиз овози, сизу бизнинг овозимиз, эркин сўзимиз!**

BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HAMKOR!

Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!

Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz

Хизматлар лицензияланган

**Кучли давлатдан кучли жамият сари**

# ДЕПУТАТЛИК ХАЛҚ ИШОНЧИ ДЕМАКДИР

**Ўзбекистонда парламент ислоҳотига киришилган бўлиб, ҳозир унинг ҳуқуқий асослари деярли яратиб бўлинди. Янги шаклланадиган Олий Мажлисимизни кўпинча профессионал парламент, деб аташади. Нега? Шу вақтга қадар ишлаб келаётган ва ҳадемай ваколатлари тугайдиган парламентимиз профессионал эмасмиди? Нима сабабдан Сенат аъзолари тўғридан-тўғри аҳоли томонидан сайланмайди?**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон ИСМОИЛОВ билан суҳбатимиз ана шу ва бошқа қатор масалалар хусусида бўлди.**

— Аслида парламентга нисбатан профессионал деган сўзни ишлатиш, менинг назаримда, унча тўғри эмас. Чунки ҳуқуқшунослик фанида, конституциявий ҳуқуқда, парламентаризм тарихида бундай атама учрамайди. Бунга сабаб депутатликнинг касб эмаслигидир, ҳар қандай муносиб киши депутат бўлиши мумкин, лекин унинг асл касби ўзгармай қолаверади-ку. Фақат парламентнинг шакллари турлича бўлади. Мамлакатимизда шаклланадиган парламентнинг қуйи палатасида депутатлар доимий асосда ишлашлари сабабли, биз уни рамзий маънода профессионал парламент, деб атаяпмиз.

«Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг иши палатага сайланган барча депутатларнинг шу ерда доимий, профессионал фаолият кўрсатишига, Олий Мажлис Сенатининг иши эса вақти-вақти билан чақириладиган Сенатнинг ялпи мажлислари ҳамда қўмиталари мажлисларидаги сенаторларнинг фаолиятига асосланиши белгиланган. Қонунчилик палатасининг депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий, педагогик ва ижодий ишлардан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Демак, фақат Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг иши палатадаги барча депутатларнинг профессионал, доимий фаолият олиб боришига асосланади.

Ҳозирда ишлаб турган бир палатали Олий Мажлис профессионал эмасмиди, дейиш ҳам ножоиз. Биринчидан, мен юқорида бунинг сабабларини айтдим. Иккинчидан, депутатларнинг маълум бир қисми ҳозирги парламентда ҳам профессионал, доимий равишда ишлашади, яъни Олий Мажлис уларнинг асосий иш жойи ҳисобланади.

**— Сенат — ҳудудий вакиллик палатаси. Лекин Сенат аъзолари (сенаторлар) бевосита фуқаролар томонидан сайланмайди. Нима деб ўйлайсиз, бу ҳолат уларнинг халқ олдидаги масъулиятни унутишига ёки шундай кайфиятга берилишига олиб келмасмикин?**

— Олий Мажлис Сенати миллий парламентимизнинг юқори палатаси ҳисобланади. Икки палатали парламент тизимига эга бўлган давлатлар амалиётидан шу нарса маълумки, уларда парламентнинг юқори палатасини шакллантиришга ҳар хил ёндашилади. Масалан, Франция, Голландия парламентининг юқори палатаси мамлакат маъмурий ҳудудларининг вакиллик органлари томонидан шакллантирилади. Буюк Британия парламенти юқори палатаси таркибининг аксарият қисми ворислик асосида шаклланса, қолган қисми мамлакат Қироличаси томонидан тайинланади. Қатар давлати парламентининг барча аъзолари давлат раҳбари томонидан тайинланади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

2003 йил 28 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда Олий Мажлис юқори палатаси — Сенатни шакллантириш тартиби белгиланган. Унга кўра, Олий Мажлис Сенати аъзоларининг асосий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси мамлакатимиз Президенти томонидан тайинланади. Сайлов тизимимизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, Сенатни шакллантиришда ҳам икки поғонали сайлов, ҳам тайинлов институти ишлайди. Сенатни шакллантиришдаги бундай усул масъулиятсиз кишиларнинг сенатор бўлиб сайланиб қолишига қарши қаратилган. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, аксарият сенаторлар бир вақтнинг ўзида маҳаллий давлат вакиллик органининг депутати ҳам ҳисобланади ва унинг ишида бевосита қатнашади. Агар биз Сенатни ҳам тўғридан-тўғри сайлаганимизда эди, у ҳудудлар манфаатини тўла ҳимоя этолмаслиги ҳам мумкин эди. Сенаторлар маҳаллий Кенгашлар ичида, кўтарилаётган муаммоларни ечимини топиш жараёнида юради. Демак, ўзи англаб, тушуниб етган муаммоларни Сенат даражасига олиб чиқади ва Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунларга ҳудуд манфаати нуқтаи назаридан ёндашади.

— Депутатликка номзодлар сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари давомида сайловчилар билан учрашиб, турли ваъдалар бериши одат бўлиб қолган. Ўтган сайловларда ҳам номзодлар қанчадан қанча ваъдалар берганлар ва ...депутатликка сайланганларидан сўнг ваъдаларни ҳам, сайловчиларни ҳам унутганлар бўлди.

**— Айтинг-чи, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайланган депутат сайловчиларига нималар қилиб бера олиши мумкин? Бошқача қилиб айтганда, сайланиб олгунга қадар берган ваъдаларини бажариш учун уларда қандай реал имкониятлар мавжуд?**

— Жаҳон тажрибасидан маълумки, депутатларнинг мандати икки турга, яъни «эркин» ва «императив» мандатларга бўлинади.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг парламентларида депутатлар одатда профессионал тарзда иш олиб борадилар ва эркин мандатга эга бўладилар. Бундай депутат мамлакатнинг барча фуқаролари манфаатларини ифодалайди ва ўз сайловчиларининг иродасига бевосита тобе ҳисобланмайди.

Баъзи мамлакатларда парламент депутатлари императив мандатга эга бўладилар, яъни улар ўзларининг сайловчиларинигина олдида жавобгар ҳисобланадилар. Бу усул, жумладан собиқ тоталитар тузум даврида ҳам қўлланилар эди. Мен ўзим 1985 йилда туман Кенгаши депутатлигига сайланадиган вақтимда сайловчиларим «бизга магазин қуриб берасиз», деб кўрсатма (наказ) берган. Сайланганимдан сўнг бу топшириқни бажарганман. Аммо бундай усул жамиятга катта фойда келтирмайди. Шунинг учун ҳам эндиликда, мустақил Ўзбекистонимизда депутатларнинг мандатлари эркин ҳисобланади.

Бевосита саволингизга қайтиб, шуни таъкидлаш керакки, депутатликка номзод бўлган шахсларнинг сайловолди ташвиқотларида, Сиз айтгандек, ўринсиз ваъда беришлари салбий ҳолат, эски тузумдан қолган ёмон асорат, албатта. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатларига танқидий қараш зарур.

Истиқлол туфайли мамлакатимизда сайлаш ва сайланиш маданияти анча ривожланди. Қолаверса, сайловчиларимиз ҳам депутат халқ манфаатларини фақат қонунчилик ва бошқа ҳужжатлар орқали ифода этиши зарурлигини, бу борада у муттасил фаоллик кўрсатиб, ўз бурчини адо этиши лозимлигини англаб етаяптилар.

Депутатларнинг мандатлари қанчалик эркин бўлмасин, улар, қонунларимизга мувофиқ, ўз сайловчилари билан белгиланган тартибда учрашиб турадилар. Бундан ташқари, уларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятларини ошириш мақсадида, ҳозирда депутатларни муддатидан олдин чақириб олиш бўйича қонун лойиҳаси тайёрланган ва уни Олий Мажлис муҳокамасига ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

**— Биз сайловнинг мажоритар усулини танлаганимиз учун конкрет шахсларга овоз берамиз. Шундан келиб чиқиб, сиёсий партиялар ўз сайловолди платформасини, номзод эса ўзининг сайловолди дастурини тайёрлайди. Аҳоли маълум номзодга овоз бераётганда қайси бир дастурни кўпроқ эътиборга олмоғи маъқул, деб ҳисоблайсиз?**

— Мамлакатимиз қонунларида, депутатликка номзод ўзининг алоҳида сайловолди дастурини эълон қилиши шартлиги кўзда тутилмаган. Мабодо эълон қилганда ҳам, табиийки, ўзи бундай дастурни мустақил равишда ҳаётга татбиқ эта олиш қийин. Чунки у парламентда фақат бир овозга эга. Доно халқимиз билиб айтганидек, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас.

Сиёсий партиялар дастурининг ҳаётга татбиқ этилишига кўпроқ ишонч бор. Чунки сиёсий партия сайловда ғолиб чиқса, ўз дастурини амалга ошириш учун унда реал имконият бўлади. Қолаверса, сиёсий партия ҳар ҳолда уюшган сиёсий куч.

**— Агар депутатдан унинг номзоди кўрсатилган сайлов округидаги аҳоли норози бўлса, бундай вазиятда сайловчилар қандай йўл тутишлари керак?**

— Саволингизга мухтасар жавоб шуки, юқорида таъкидланганидек, ҳозирда «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси парламент муҳокамасини кутмоқда. Ушбу Қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг XVI сессияси кун тартибига иккинчи ўқишда киритилмоқда. Мазкур ҳужжат қабул қилингач, сайловчиларга Олий Мажлис аъзоларининг янада самарали ишлашига таъсир кўрсатиш имконияти яратиб берилади. Бинобарин, сайловчилар ишончни оқламаган депутатни муддатидан олдин чақириб олиб, ўрнига бошқа депутат сайлаш ҳуқуқига эга бўладилар. **Шундай қилиб, депутат ўзи сайланган органда сайловчилари манфаатларини ифода эта олмадими, бас, унинг мандатини олиб қўйиш уни депутат этиб сайлаган кишилар — сайловчиларнинг ўз қўлида.**

**«Ўзбекистон овози» мухбири Беҳзод ШУКУРОВ суҳбатлашди.**

# МАТБУОТ КИМДАН ВА НИМАДАН

Мустақиллик матбуотга, биз журналистларга нима берди? Бу саволга ким қандай жавоб беришини билмайман-у, аммо мен «Мустақиллик бизга жуда кенг имкониятлар берди», дейишим мумкин. Хўш, бу имкониятлар нималарда намоён бўлди? Аввало, ҳақ-ҳуқуқларимиз, хатти-ҳаракат мезонларимиз қонунлар билан кафолатланди. Биз ташқи дунёга чиқдик ва эркин сиёсий фикрлаш имкониятига эга бўлдик. Матбуот тизимида янги тармоқ — мустақил ва нодавлат оммавий ахборот воситалари пайдо бўлди. Цензура оғизда эмас, амалда йўқ бўлди. Давлатнинг матбуотга, журналистларга эътибори кучайди. Жумладан, журналистларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, олий даражада шаклланди. Давлат раҳбарининг журналистларга интервьюлар бериб туриши анъанага айланиб қолди. Илгари бундай ҳолат Тошкент тугул, Москвада ҳам ҳеч қачон кузатилмаган.

Умуман, мен Мустақиллик берган кенг имкониятлар ҳақидаги фикримни давом эттиришим мумкин эди. Бироқ ҳаммасини санаш шартми? Уларни барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Аслида бу имкониятлар матбуот учун берилган эркинликлардир.

Бироқ баъзан айрим хорижлик ҳамкасбларимиз «сизларда матбуот эркинлиги йўқ» деб даъво қилишади. Ўйланиб қоламан: улар қандай эркинликни назарда тутишаяпти? Матбуот мутлақо эркин бўлиши керак, дейишади. Бош қотираман, фикрлайман: хўш, кимдан, нимадан ва нима учун мутлақо эркин бўлиши керак?! Ҳаёт фалсафаси шундаки, боқиманда боққан, яъни пул-маблағ берганнинг, олган эса берганнинг айтганини қилади. Оммавий ахборот воситалари ҳаётида ҳам бунга мисоллар кўп.

Масалан, Би-Би-Си радиоси ўзини бошқа оммавий ахборот воситаларига қараганда эркинликда анча устун қўяди. Бошқаларни бировга (ҳукуматга ва бошқа идораларга) қарамликда айблаб, нодемократик тамға босишда ҳам бу радиога тенг келадиган оммавий ахборот воситаси йўқ. Хабарингиз бор, бу йил ана шу «мутлақо эркин» радио ҳукумат сиёсатига тўғри келмайдиган бир хабарни эфирга берганлиги учун унинг раҳбарлари истеъфога чиқишга мажбур бўлишди. Ёки Россияни оладиган бўлсак, бир неча телеканал ҳамда газеталар «Газпром» билан «Лукойл»нинг таъсир доирасида эканлигини яхши биламиз.

Шунингдек, Сергей Доренкони сайратган Березовскийнинг пули, Евгений Кисилёвни «мутлақо эркин» фикрлатган Гусинскийнинг маблағи эканлиги тўғрисида Россиянинг ўзида кўп гап-сўзлар айтилди. Бунга бошқа давлатлардан ҳам мисоллар келтириш мумкин. Сиз бошқаларни матбуот эркинлигини бўғаётганликда айблаб, ўзларини мутлақо эркин деб даъво қилаётган оммавий ахборот воситалари ва уларда хизмат қилаётган «ўта демократ» журналистлар фаолиятини кузатиб, таҳлил қилиб боринг-а. Кўп ўтмай, уларнинг мақсад ва интилишларини, қай даражада эркин ва демократ эканликларини билиб оласиз. Мен нафақат хориждаги, айтайлик, Россиядаги, балки ўзимиздаги баъзи нашрлар ҳамда айрим ҳамкасблар фаолиятларини кузатиб ҳам шундай хулосага келдим.

Манфаат ўлсин. Манфаат бор жойда одамнинг қиёфаси ўзгарар экан. Ҳақиқатни ёзишни, эркин фикрлашни, демократияни даъво қилувчи баъзи бир хорижлик ҳамкасбларим манфаатнинг қурбони бўлиб, кимларнингдир буюртмаларини бажараётганликлари бор гап. Сўзсиз, манфаат уларни ёмонни яхшилаб, яхшини қоралаб ёзишга мажбур қилади. Айниқса, бу мустақил ва нодавлат нашрларда қўл келади. Ўзининг манфаати деб, бировларнинг буюртмасини бажарадиган нашрни мустақил газета, ижодкорни эркин ва демократ журналист деб бўладими? Бундай газеталар ва бошқа оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар матбуот эркинлигини, сўз эркинлигини, демократияни даъво қилишга ёки бу борада бошқаларга тамға босишга ҳақлими?

Бизда мустақил ва нодавлат нашрлар йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Уларнинг аксарияти моддий жиҳатдан қайсидир идора ёки ташкилотга, кимгадир қарам, шундай экан, маблағ бераётганлар уларга ўз таъсирларини ўтказмайди, деб ҳеч ким айта олмайди. Хўш, ўзини эркин ва мустақил деб ҳисоблайдиган оммавий ахборот воситасини, айтайлик, радио ёки газетани ана шундай таъсирлардан ким ҳимоя қилади?! Назаримда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида бу саволга аниқ жавоб топилди. «Ўйлайманки, — деди Ўзбекистон раҳбари ўша маърузасида, — «Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш вақти етди. Бу қонун, бошқа кўпгина масалаларни ечиш билан бирга, мустақил нашрларни айрим эскича фикрлайдиган мансабдор ва амалдорлар, табиий монополиялар, ҳомийлар ва реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ва бошқаларнинг таъсиридан самарали ҳимоя қилган бўлур эди». Демак, эркин ва мустақил матбуотни ҳар хил таъсирлардан фақат қонун ҳимоя қилиши мумкин.

Ҳозир эса бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз, хусусан, мустақил ва эркин нашрларимиз билан уларнинг ҳомийлари ҳамда муассислари ўртасидаги муносабатлар ўта заиф. Яъни, бу муносабатлар фақат ўзаро мажбуриятлар олиш билангина кафолатланган. Энг ёмони, бу мажбуриятлар вазиятга қараб ўзгариб туради. Баъзан эса ҳомий ёки муассис томонидан белгилаб берилган режа-дастур эркин матбуот ёки эркин жамият асосларига тўғри келмайди. Баъзан муассислар «Мен хўжайинманку» деган кайфият билан таҳририятлар ички ишлари, ижодий ишларигача аралашиб кетишади. Ваҳоланки, бундай аралашувлар қонунда тақиқланган. Агар муносабатлар қонунда белгиланган тартибда йўлга қўйилса ва шундан келиб чиқиб мажбуриятлар олинса, ҳар қандай нашрнинг эркинлигига ҳеч қандай ғов бўлмайди.

Гап эркин жамият ва эркин матбуот ҳақида борар экан, мен яна давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасига қайтмоқчиман. Юртбошимиз ўз маърузасида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини ҳаётий мисоллар ва далил-исботлар билан асослаб берар экан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз эркинлиги ва матбуот эркинлигини ҳамда ошкораликни таъминлашни энг муҳим устувор йўналиш сифатида алоҳида таъкидлаб ўтди. Бунга фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисми сифатида урғу берар экан, бу жараёнда давлатнинг иштироки зарурлигига эътиборни қаратди.






# 31-ДЎСТЛИК САЙЛОВ ОКРУГИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 31-Дўстлик сайлов округи 118 та сайлов участкасини ўз ичига олган. Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл, Зафаробод ва Фориш туманларига қарашли аҳоли пунктларида истиқомат қилаётган 121800 нафар сайловчи шу округдан депутатликка номзодлар учун овоз беришади. Айни пайтда бу ерда сайловолди тайёргарлик ишлари ва ташвиқот-тарғибот тадбирлари амалга оширилаяпти. Керакли адабиётлар, қонуний ҳужжатлар, қўлланмалар ва зарурий жиҳозлар билан таъминланган сайлов округида навбатчилик ташкил қилинган. Бу ерда ҳар куни, ҳар соатда сайловга доир саволлар билан мурожаат қилувчи сайловчиларга тегишли тарзда тушунча ҳамда ҳуқуқий ёрдам бериш имкони бор.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

**Суратларда:** округ сайлов комиссияси аъзоси Ёқуб Алматов бу йил биринчи бор сайловда қатнашувчи ёш сайловчилар билан; округ сайлов комиссиясида навбатдаги мулоқот пайти.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**



**Анжуман**

# БОБУР ВА МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент ислом университетида «Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида диний-маърифий масалалар талқини» мавзуида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Унда таниқли олимлар, хорижий мутахассислар ҳамда Бобур ижодининг мухлислари иштирок этди.

Анжуманда «Бобурнома»нинг француз тилига таржимони, Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихи бўйича бир қанча илмий тадқиқотлар муаллифи, профессор Жан Луи Баке Граммон «Бобур ва маънавият масалалари» мавзуида маъруза қилди. У ўз чиқишида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги илмий-маданий ҳамкорлик алоқалари ривожида Бобур Мирзо ижодининг ҳам ўзига хос ўрни борлигини алоҳида таъкидлади.

Франциялик олимнинг эътироф этишича, Бобур ижодида маънавиятнинг жамият тараққиётига таъсири чуқур фалсафий талқин этилган. Унинг авлодларига насиҳат тариқасида ёзилган «Мубаййин» асарида баён этилган бундай илғор ғоялар бугунги кунда ҳам ўта долзарб аҳамиятга эга.

Йиғинда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодидаги диний-маърифий, фалсафий, маънавий-ахлоқий масалаларни ўрганиш борасида исломшунос, шарқшунос ва адабиётшунос олимларимиз томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижалари ҳақида батафсил ахборот берилди.

Ушбу анжуман Бобур меросига муносабат истиқлол туфайли холис илмий шаклланганини ва бобуршунослик ўзининг янги тараққиёт босқичига кўтарилганининг яна бир исботи бўлди.

**Ҳамидбек ҲАСАНОВ,**
**Тошкент ислом университети исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ходими**

# КУЗ БАРАКАСИ

Жорий йил сабзавоткорлар учун ҳам баракали келди. Айниқса, картошка етиштирган деҳқоннинг кўкрагига шамол тегди.

Пойтахт вилояти сабзавоткорлари азал-азалдан картошка етиштиришда барчага ибрат бўлиб келган.

Вилоятнинг Зангиота туманидаги «Иттифоқ» ширкат хўжалиги сабзавоткорларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Картошка ҳосилдорлиги гектарига ўртача 170-180 центнерни ташкил этди.

— Бу жуда яхши кўрсаткич, — дейди **ширкат хўжалиги раиси Бурхонжон Магдалиев.** — Шу кунгача шаҳарликлар дастурхонига 200 тоннадан зиёд сифатли картошка етказиб берилди.

— Жамоангиз бу кўрсаткичларга қандай эришмоқда?

— Ҳозирда картошкачилик ёки сабзавот экинлари билан шуғулланувчи қай бир хўжалик раҳбари билан гаплашманг, уруғчиликка етарли эътибор берилмаётганлигидан нолийди, — дейди раис. — Шундай экан, кўп ҳолларда, уруғликка алоҳида эътибор қаратишга тўғри келади. Шу боис, биз тупроқ ва маҳаллий иқлим шароитларига мос «Фотима» навли картошка уруғларини экиб, уни кўпайтириб, тайёрланган уруғликдан йил мобайнида фойдаланган ҳолларимиз кўп бўлади. Жорий йил биз 15 гектар майдонда ана шундай маҳаллий навли картошка етиштириб, биргина картошкачиликнинг ўзидан 25 миллион сўмдан зиёд даромад қилишни мўлжаллаганмиз.

Демак, уруғчиликни йўлга қўйиш орқали картошкачиликни сердаромад соҳага айлантириш мумкин. Ўшанда бу маҳсулот кўпаяди, арзон бўлади, бундан деҳқон ҳам, истеъмолчи ҳам бир хилда наф кўради.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



**Суратда:** ширкат хўжалиги ишчилари Маъсуда Шукурова ва Соибжон Шукуров етиштирилган ҳосил чўғидан мамнун.

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.**

# САЙЛОВОЛДИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежида бўлажак сайловларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда партия вилоят кенгаши биринчи котиби Р.Сабуров, Олий Мажлис депутати И.Бойжонов ва партия вилоят кенгаши ҳузуридаги Ёшлар маркази раҳбари А.Юсупов йиғилганларга сайлов қонунчилиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда ХДПнинг сайловолди дастури ҳақида сўзлаб берди.

Шунингдек, партия Хоразм вилоят кенгаши ҳузуридаги хотин-қизлар шўъбаси ташаббуси билан Урганч шаҳридаги 23-сонли мактаб ҳамда 3-сонли шифохонада сайловларга бағишланган «очиқ мулоқотлар» чоғида ўқитувчи ва шифокорлар сайлов қонунчилиги бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Марҳамат туман кенгаши томонидан партия ташкилотлари олдида турган асосий вазифалар юзасидан навбатдаги йиғилиш ўтказилди. Унда ХДП IV қурултойидан кейин келиб чиққан вазифаларни бажариш борасида қилинадиган ишлар келишиб олинди.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Шаҳрихон туман кенгаши туман Хотин-қизлар қўмитаси ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда тумандаги 15-мактаб-интернатида «Меҳр ва мурувват йили» доирасида тадбир ташкил этди. Тадбирда ХДП туман кенгаши биринчи котиби Х.Абдуллаева иштирок этиб, тарбияланувчиларга ўқув қуроллари топширди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

